



# TIBBIYOTNOMA

*1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни*

*Қутлаймиз!*

*Академиянинг қадрли профессор-ўқитувчилари, ҳурматли устозлар!*

*Сиз азизларни яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклайман.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни устозлар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Уларнинг шарафли, аммо заҳматли меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ҳамда ўқув жараёнидаги жон фидолигини юксак қадрлаймиз.*

*Изланувчан, иқтидорли, ҳар томонлама етук, фахрланишга арзийдиган талабаларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни беҳад шод этади.*

*Қадри баланд, муҳтарам устоз-мураббийлар! Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор муборакбод этаман.*

*Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дастурхонингизга файзу барака тилайман. Илмий ва ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар ва омад ёр бўлсин.*

*Л.ТУЙЧИЕВ,*

*Тошкент тиббиёт академияси ректори*

## МУСТАҚИЛЛИК – МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

*“Мустақиллик дарслари”ни олий таълим муассасаларида самарали ташкил этишга оид янгича ёндошув*

**Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўй кўрсатиб турган озод ва обод Ватан манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидан. Шу боис халқимиз ҳар йили ушбу байрамни ўзгача шукуҳ, юқори кайфият билан кутиб олади.**

Мустақиллик – энг улуғ, энг азиз байрамдир. Бу кун хурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқини юзага чиқаргани, миллий ўзлигимиз, қаддимиз ва қадримизни тиклагани билан улуғ, мўътабар. Мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаётгани, фарзандларимиз келажагига мустақкам замин яратаётгани билан азиз ва муқаррамдир.

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари учун ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган “Мустақиллик дарслари” бу йилги коронавирус пандемияси туфайли онлайн тарзда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган “Сен қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” ғояси остида ташкил этилган ушбу тадбирда мустақил Ўзбекистонимизнинг шонли тарихи, истиқлол даврида амалга оширилган муваффақиятлар ва эришилган ютуқлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Тадбир давомида Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.Бобомуратов ТТАнинг педагогик жамоасини ушбу байрам билан муборакбод этиб, мамлакатимизда мустақиллик шукуҳи кезиб юрган бугунги кунда ёшларимиз онгида Ватанни қадрлаш, шукроналик, меҳр-муҳаббат руҳини сингдирувчи “Мустақиллик дарслари”ни 2 сентябрь куни талаба-ёшлар учун кенг миқёсда кўтаринки руҳда ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар берди ҳамда бугунги пандемия шароитида барча тиббиёт ходимлари, хусусан ёшларни

ватанпарварликка, давлатимизнинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий-иқтисодий соҳаларини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатишга чақирди.

Шу ўринда қутлуғ байрам арафасида ўз жонини хатарга қўйиб, халқ саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган фидоий тиббиёт ходимлари орасида Тошкент тиббиёт академиясининг Юқумли касалликлари кафедраси доценти Худойқулова Гулнора Каримовна, Халқаро факультет декани Исроилов Жаҳонгир Жамшидовичнинг “Шухрат” медали билан, Анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси Шарипов Равшан Оллаёровичнинг II даражали «Саломатлик» ордени билан, Даволаш факультети 2-курс талабаси Эгамов Хусен Эркиновичнинг “Мард ўғлон” кўкрак нишони билан тақдирланишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Байрамона тарзда ташкил этилган мазкур семинарда ТТАнинг барча профессор-ўқитувчилари, кафедра мудирлари, кафедраларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъуллари ва академик гуруҳлар раҳбарларига “Мустақиллик дарслари”ни барча курслар ва гуруҳларда самарали ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ва кўрсатмалар берилди.

Тадбирнинг тантали қисмида ТТАнинг иқтидорли талабалари томонидан “Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик” ҳамда “Мен Ўзбекистонда яшашим билан фахрланаман, Тиббиёт академиясида ўқишим билан ғурурланаман” шиори остида яратилган бадиий чиқишлар, Ватанни улуғловчи шеърлар, дилрабо рақслар ва жозибадор қўшиқлар онлайн тарзда намойиш этилди.

**Т.БОБОМУРОДОВ,**

**Тошкент тиббиёт академияси ёшлар ишлари бўйича проректори, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор**

## ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР – МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ АСОСИДИР

**Ўзликни англаш бу осон кечадиган воқелик эмас. Ўзликни англаб, уни намоён этиш янада мураккаб ва анча вақтни талаб этадиган ҳодисадир. Биз мустақилликка ўзлигимизни англаш натижасида эришдик. Лекин уни тўлиғича намоён этиш жараёни ҳали-ҳануз давом этмоқда.**

Буни давлат тилини оммавий равишда Ўзбек давлатчилигини ҳар жиҳатдан ривожлантириш асоси сифатида қўллашимизнинг айна пайтгача бўлган даврда суэтлигида кўришимиз мумкин. Негаки, бу ҳолат 1989 йилда Давлат тили тўғрисида қабул қилинган қарорнинг 30 йилдан ошиқ вақт ўтганлигига қарамасдан ҳали-ҳануз ўзининг тўлиқ ижобатини топа олмаганлигида кўринади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишига эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори асосида давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди ва ушбу янги лавозимни эгаллаган мутахассисларга юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича жуда катта масъулият юклатилди.

Аввало, масаланинг назарий жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбек тили мақомининг давлат тили сифатида тан олиниши замонавийлик нуқтаи назаридан Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг миллий тили ва маданиятининг тенглигини назарда тутади. Шу жиҳатдан ўзбек тили асосий

тамоийил бўлган миллий уйғониш жараёнининг бир бўғини даражасида қаралади ва унга миллий ўзликнинг юксалиши сифатида тушунмоқ ҳамда қаралмоқ лозим. Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлатда Давлат тили доимо унинг амалий жиҳатларини бойитишни ҳамда номини берган миллат давлатчилиги нуқтаи назаридан уни янада мустаҳкамлаш заруратини юзага чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу мақомнинг мустаҳкамланиши натижасида, у БМТ томонидан тан олинган дипломатик мулоқот тили мақомини олди. Бу ўз навбатида халқаро муносабатларда қўлланиш мавқеи нуқтаи назаридан унинг қўлланилиш доирасини давлат ва нодавлат ташкилотларнинг давлат тилидаги ички ҳужжатлар ва улар ўртасидаги ёзишмалар борасида кенг қўлланишини мамлакат бўйлаб кенгайтиришини қонунан тақоза этади.

Албатта, дастлабки вақтларда давлат тили мақомини ҳаётга татбиқ этилиши муайян қийинчиликлар, чекинишлар, ўзбек тилида сўзлаша олмайдиган аҳоли учун руҳий қийинчиликлар туғдирган ҳолатлар ҳам бўлиб ўтганлиги сир эмас. Бундай ҳолатлар давлатга номини берган миллат тили давлат тили сифатида мустаҳкамланган кўпгина давлатларда бўлиб ўтганлиги ҳам. Лекин, айти пайтда, Ўзбекистонда уни ҳаётга татбиқ этишнинг демократик услубияти ҳам намоён бўлди ва бу бағрикенглик имкониятидан Ўзбекистон фуқароси сифатида мамлакатимизда яшаётган бир юзу ўттиздан ошиқ миллат вакилларининг қанчалик даражада фойдаланганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Буни биз, давлат тилини тўлиқ татбиқ этилиши муддатларининг узайтирилиши, уни ўрганиш бўйича курслар ва мактаблар тармоғининг кенг ёйилиши, энг асосийси эса, русийзабон ва бошқа миллат вакилларида иборат аҳолининг ўзбек тилини ўрганиши учун аниқ фаолиятнинг амалга оширилиши, ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли ўртасида эса – бу осон кечмайдиган ишда уларга ёрдам беришдаги ижобий интилишида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда, энг асосийси, тил мансублиги бўйича зиддиятлар туғилишига йўл қўймаслик лозимлиги асосий мезон сифатида олиб қаралди. Зеро, тил асосидаги қарама-қаршиликнинг вужудга келиши сиёсий маданияти етарлича бўлмаган шарт-шароитларда яхшиликка

олиб келмаслиги мумкинлиги доимий эътиборда бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам ушбу ҳолатни қатъий назорат қилмоқда ва бу соҳадаги ҳар қандай чекиниш ва суиистеъмолликларнинг олдини олмоқда.

Журнал, рўзнома, радио ва телевидениеда турли тилда сўзлашувчи муаллифлар чиқиш қилмоқдалар. Ушбу оммавий ахборот нашрлари турли тилда фаолият юритмоқда ва шу тарзда миллий мансублигидан қатъий назар ҳар бир фуқаро учун республикамиз ҳаётидан хабардор бўлиб туриш учун имконият яратилмоқда. Шу туфайли, алоҳида олинган инсон кўпмиллатли муҳитда ўзига хос миллий дунёқарашга эга бўлмаслиги ва шунинг учун ҳам бегона бир элементга айланиши тўғрисидаги фикрлар етарлича асосга эга эмасдир.

Ҳамма гап шундаки, ушбу умуминсоний тамойил ўтмиш амалиётида ҳисобга олинмай келинади ва бу ҳол алоҳида шахс манфаатларини инкор этилишига олиб келиб, масалан, миллий кадр-қимматнинг камситилишига, аксарият халқ учун ўзининг миллий “Мен”лигини йўқотилишига ҳам олиб келарди. Инсон ва унинг манфаатлари устидан на ижтимоий-синфий, на миллийлик тушунчалари оғир гурзи бўлиб турмаслиги лозим. Шу тарзда, унинг ижтимоий ва миллий танлови нафақат объектив шарт-шароитлар, шу билан бирга келажакка ишонч, ижтимоий ҳимояланганлик туйғуси акс этадиган унинг ички руҳий дунёқараш билан белгиланади. Миллий ўзликни танлаш ҳуқуқи, кадриятлар тизимини англашнинг миллий шаклини танлови, маданий ўзига хосликнинг аҳамиятини англаб етиш – бу инсон эркинлиги тамойилининг энг асосий жиҳатларидан биридир.

**Эркинлик, Амир Темур айтганларидек, фақат қонун устувор бўлгандагина мавжуддир.**

Демак, мамлакатни барча соҳаларда ривожлантириш ва уни муҳофаза қилиш борасида давлат тили, виждон, матбуот, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ихтиёрий жамоалар ва фуқаролар уюшмалари, ҳаваскорлик ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) тўғрисида қабул қилинган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини изчиллик билан жорий

этиш зарурати туғилади. Бу ҳол бир томондан суиистеъмолчиликлар, демократик жараёнларнинг бузилишининг олдини олса, иккинчи томондан – ҳар бир халқ ва ҳар бир фуқарога миллатидан ва диний мансублигидан қатъи назар, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Энг асосийси бугунги кунда тил ўрганиш, миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил қилувчи давлат тилига бўлган муносабатни масъулият билан ривожлантириш, ўтмиш аجدодларимиз маънавий меросига ижодий ёндашган ҳолда янги, замонавий, жаҳон маданияти ва технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим бўлади. Бу йўналишда маориф, маданият ташкилотларигина эмас, балки барча жамият аъзоларининг иштироки зарурдир. Лозим бўлса, жойларда шахсан ҳокимларнинг бевосита халқ билан маънавият ва маърифат, Давлат тилининг нуфузи ҳамда заруратлиги тўғрисидаги суҳбатларини уюштириш, имконият даражасида телевидение, радио ва умуман, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Бунда маҳаллий оммавий ахборот воситалари зиммасига раҳбариятнинг давлат тили ва маънавий ва маърифий соҳада халқ билан бирга эканлигини намоён этувчи чиқишларнинг ранг-баранглигини ошириш, унинг ҳақиқий ва ҳаётий кўринишларини батафсил оммага етказиш вазифаси тушади. Бизнинг назаримизда, шаҳар, туман ҳокимлари ўртак бўлсалар, маънавий янгиланишни давлат тилига бўлган салоҳиятли ижобий муносабат, муҳитни ўзларидан бошласалар, кўзланган мақсадга янада муваффақиятга эришган бўлар эдик. **Негаки, мажозий маънода айтганда ўзи сувда сузишни билмаган киши кемада ишлагани билан денгизчи бўлолмайди.**

Шу маънода яна бир бор таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, унинг фуқаролари бир юз ўттиздан ошиқ миллат, элат, этник гуруҳларнинг бирлашмасидан ташкил топган. Шу боис, биргаликда яшаётган турли миллат вакилларининг миллий ўзига хослигини тан олиш ва ҳурмат қилиш давлат тили орқали маънавий

салоҳиятимизнинг янги қирраларини очишда ва ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳадиси шарифда айтилишича “Тил миллат кўзгусидир”. Ўтмишдан маълумки, давлат тили мавжуд жамият маънавиятининг ва тараққиётининг асосини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, давлат тили кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бир бутун бўлиб, жипслашиши ва жамиятимиз ривожланишининг асосидир, калитидир.

Шундай экан, ҳали-ҳанузгача кўпгина давлат тилида иш юритиш имконияти етарли бўлган ташкилотларда ҳам ҳамон иш рус тилида юритилаётганлигини қандай тушуниш ёки баҳолаш мумкин?! Давлат тили тўғрисидаги қабул қилинган ҳужжатларга муносабат шу даражада бўлиши керакми? Мутасадди ташкилотлар ва жавобгар раҳбар шахсларнинг нега бу ҳолатга эътиборлари суств? Булар барчаси давлат тилининг амалга жорий қилиниши жараёнини суствлаштиради, муддатини узайтиради, охир оқибатда миллий давлатчилик хусусиятига путур етказди. Бу борада мавжуд имкониятларни бутун шижоати ва омилкорлигини ишга солган ҳолда қонун устуворлиги асосида мақсадимиз сари йўналтириш талаб қилинади. Негаки, бу келажак жамиятимизни беками кўств бунёд этишимизнинг адолатли ва қонуний шартларидан биридир.

Юқорида билдирилган давлат тили тўғрисидаги мулоҳазаларимизни адолат нуқтаи назаридан миллий давлатчилигимиз ривожланишининг фарз бўлган идеаллари ёки бўлмаса қадриятлари бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда уни шак-шубҳасиз самарали тарзда юзага чиқариш лозимлигини эътиборга олган ҳолда, кўпчилик ҳукмига ҳавола этдик. “Ҳолва, ҳолва деган билан оғиз ширин бўлиб қолмайди” деган халқ мақоли бор. Ушбу қароргача бўлган даврда Давлат тили масаласида ҳам шундай ҳолат бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш бўйича давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича



маслаҳатчиларининг масъулиятини оширади ва улар томонидан жиддий қадамлар ташланишига умид қиламиз. Албатта Давлат тилини тўлақонли давлат тили даражасига кўтариш бу фақатгина соҳа мутасаддиларининггина ижро қилиши лозим бўлган масала эмас, балки барча Ўзбекистон халқининг - фуқароларининг умум вазифаси эканлигини ҳар биримиз ёддан чиқармаслигимиз ва бу ишга қамарбаста бўлишимиз лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ушбу масалада вазирликнинг **“Вазирлик тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш тўғрисида”**ги алоҳида буйруғи билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг олдида вазирлик тизимидаги муассасаларида Давлат тилини қонунда белгиланган тартибда жорий қилинишини ташкиллаштириш ва унинг ижросини сифатли амалга оширилишини назорат қилиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги барча ҚҚР соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлинмаларида, жумладан, тиббиёт таълими, даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, илмий-амалий марказларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида ҳужжатлар, ёзишмалар, кўчаларга ўрнатилган реклама баннерларининг сўзсиз давлат тилида (ўзбек тили) юритилишини таъминлаш;

- вазирлик тизимидаги тиббиётга алоқадор муассасаларнинг бинолари пештоқидаги номлар ва унинг ичидаги хоналар эшигидаги атама биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб ундан кейин бошқа тилларда ёзилиши;

- вазирлик тизимига кирувчи ҳудудлардаги барча таркибий бўлинмалар ва муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амал қилиниши бўйича жамоатчилик назорати ташкил этиш;

- тегишли бўлимга мазкур буйруқнинг барчага етиб боришини таъминлаш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши каби масалалар бўйича кўрсатмалар берилди ва назоратга олинди.

Шунинг билан биргаликда қуйидаги масалаларга жуда ҳам жиддий эътиборни қаратиш кескин чоралар кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Барча дори-дармон воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар ва рецептлар давлат тилига ўгиртирилди ва давом эттирилмоқда. Бу иш қонуний йўл билан четдан кириб келаётган барча дори-дармонларга тегишлилиги белгилаб қўйилди.

2. Тиббий тез ёрдам хизматида телефон қилсангиз айрим ҳолларда русча жавоб берилиши ҳам мавжуд эди. Бу рус тилини билмайдиганларга муурожаат қилиб мақсадини тўғри тушунтиришларида анча қийинчиликлар туғдирар эди. Бу масалани тузатиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

3. Кўчаларда турли хил рекламалар ҳамон рус тилида ёки бошқа хориж тилларида кўзга ташланарли даражада катталаштириб ёзилиши кишини ажаблантиради ва ҳайрон қолдиради. Агар суриштириб келсангиз уни ёздирган шахснинг ўзи ҳам у тилни умуман тушунмаслигига гувоҳ бўласиз. Сўрасангиз хорижликларга осон бўлиши учунлигини рўқач қилади. Ваҳоланки хорижликлар Ўзбекистонни кўришга келади. Улар Ўзбекистонга ўзбекларнинг ўзига хос қадриятлари ва яшаш тарзини, осори-атиқаларини кўриш учун ташриф буюришади. Аслида бошқа хориж тилидаги лавҳалар туристлар учун Ўзбек миллатининг бошқа давлатларга қарам эканлиги маъносини англатиши билан ишлари йўқ. Бу масалада ҳам тозалаш ишларини олиб бориш ва уларни биринчи навбатда давлат тилида юритилишини жорий қилишни тақоза этади.

4. ОАВларида ўзбек адабий тилида эмас балки ҳудудий шеваларда гапириш адабий ўзбек тилининг мавқеига путур етказмоқда. Бунинг ҳам тезлик билан чорасини кўриш лозим.

5. Баъзи раҳбар ходимлар омма ўртасида ўзбекча ва русча сўзларни қўшиб аралаш-қуралаш тилда ва Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро симпозиумлар ва анжуманларда эса, асосан рус тилида маъруза қилишади. Бу ҳолга чек қўйишнинг аллақачон вақти келмадимикин деган савол туғилади ва албатта ўзбекчага ўгириш лозим.

6. Фарзандларимизга ва бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатишга интилиш анча суст, ўзбек тилини ўрганишга интилувчиларни рағбатлантирилмайди, ўзбек тилини ўргатувчи пулсиз курслар очиш ва ўзбек тилини ўргатувчи арзон ва сифатли китоблар нашр қилиш, давлат тилини сифатли амалга оширилишини таъминлашда анча ёрдам беради.

7. БМТнинг Ўзбекистондаги вакили ва Америка элчиси халққа ЎЗБЕК ТИЛИДА мурожаат қилган бир вақтда, аммо айрим раҳбарларимиз ўзбек тилида эмас рус тилида гапиришни афзал кўрганлиги ҳам тушунарсиз ҳолатдир.

Сўнгги сўз ўрнида давлат тилига эътибор – миллий ўзликни англаш ва уни намоён қилиш асоси эканлигини яна бир бора эслатиб ўтмоқчимиз. Буни эса биргаликда амалга оширишимиз лозим.

**Ў.АБИЛОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, фалсафа ф.д., профессор**

## УСТОЗЛАР ФИДОЙИЛИГИ ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мана бир неча йилдирки юртимизда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланмоқда. Шу куни бизга сабоқ берган, ҳаёт сўқмоқларидан одимлаб боришимизда устозлик қилган ва бу вазифани айни пайтда ҳам шараф билан бажариб келаётган инсонларни касб байрамлари билан табриклашга ошиқамиз. Албатта, ҳар биримиз исталган соҳада меҳнат қилмайлик, устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезамиз.

Аввалига мактабгача таълим муассасаси, кейин мактаб, навбати билан олий ўқув юртида устозлардан сабоқ оламиз. Ота-оналаримиз эса бу борада бизнинг бир умрлик йўлдошимиз. Уларнинг ўғитлари эса алоҳида мавзу. Фарзандлар таълим-тарбияси, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб камолга етказишга алоҳида эътибор қаратиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан. Халқимизнинг устоз отангдек улуғ, деган пурҳикмат нақлида ҳам ўқитувчи ва мураббийларга бўлган самимий эҳтиром намоён.

Бу байрам, аввало, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунасидир. Минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини сочадиган, ўз ўқувчиларига ҳаёт мактабини берадиган мўтабар зот – ўқитувчи ва мураббийларимизга касб байрамнингиз муборак бўлсин, деймиз!

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган бу инсонларнинг олижаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсак кам.

Устоз деганда ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Устозларимиз ўғити, кексаларимиз панд-насихатларига амал қилиб борсак, асло кам бўлмаймиз. Бу билан устоз ва мураббийларимиз олдидаги илк бурчимизни адо этган бўлаемиз. Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устозларга нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Халқимиз устозларни эъзозлаб: “Устознинг умри – мангу, чунки шогирдлар умри унга уланади”, дейди. Ҳа, жуда ҳам тўғри фикр. Муаллим – устоз шундай мўътабар зотки, унинг номи ҳам, умри ҳам ҳамиша боқийдир. Устоз ва мураббий! Биз барчамиз ёшимиз, касбу коримиздан қатъий назар, бу сўзларни эшитганимизда кўнглимиздан фақат илиқ фикрлару ёрқин хотиралар ўтади. Шу тобда кўз ўнгимизда қўлимизга қалам тутқазиб, эндигина илм оламига етаклаган биринчи устоз-муаллим, қийналиб турганимизда масаланинг тугунини ечишга ёрдам қилган, биргина шу амали билан умр бўйи ёдимизда қолган киши гавдаланади. Қалбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз.

*Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,*

*Сиз-ку юракларда илк зиё ёққан.*

*Олимми, шоирми ва ё санъаткор,*

*Илк бор сизга томон устоз деб боққан.*

*Битта ҳарф дардида риёзат чекиб,*

*Оқибат кўкка ҳам чиқолган инсон.*

*Не ажаб сизларни бахтиёр этиб,*

*Ўрnidан даст туриб, бош эгса шу он.*

*Буюк Алишербек лутф этган мисол,*

*Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.*

*Қоплаб бўлармикан бу қарзни алҳол,*

*Ўзиб бўлармикан юзта ганж билан.*

Барча устоз ва мураббийларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Ёш авлодга зиё нурини таратишдан асло чарчамаган, деймиз.

**Л.АБДУКАДИРОВА,**

**ТТА ХҚҚ раиси,**

**Л.МАХМУДОВ,**

**Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**

## ЗУЛФИЯХОНИМ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ТАРҒИБОТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 20 май куни Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртларига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди.

Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланган эди.

Ҳозирги кунда Адиблар хиёбони – зиё маскани, аждодлар хотирасини ёд этувчи қутлуғ қадамжога айланди. Пойтахтнинг юрагидаги адабиёт тантанаси бўлмиш мухташам Адиблар хиёбони ўзбек адабиётининг дарғалари билан мулоқот бўстони, гўзал қалб, юксак қобилият, нодир асарлари билан инсониятга хизмат қилган, миллатнинг юзи кўзи бўлган севимли аждодларимиз, ёзувчи шоирларимиз юлдузи – азим Тошкентнинг қоқ марказида мангу ёғду таратмоқда. Ушбу масканнинг ҳар бир бурчагида адабиёт нафаси бор, унинг гулу райҳонларидан сўзнинг ифори келади. Шу сўлим гўшадан жой олган севимли шоирамиз, ўзбек қизининг ёрқин сиймоси Зулфияхоним ижод бўстониغا саёҳат уюштириш, шоира ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясининг адабиётга ошно ижодкор талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари жамоаси томонидан ёдгорлик олдида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, буюк шоирага эҳтиром кўрсатиб, пойига гуллар қўйиш ҳозирги кунда анъанага айланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли ва севимли санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилар билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу тадбирларда ТТАнинг ижодкор талабалари томонидан шоира қаламига мансуб шеърлардан намуналар ўқилиб, Зулфияхоним шеърлари асосида дилтортар куй ва қўшиқлар намоиш этилиб, севимли шоирамиз хотираси шод этилмоқда.

ТТАда талабалар ўртасида шоира ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилишга астойдил бел боғланган. Тиллар кафедраси қошида “Зулфия ижодхонаси” ташкил этилиб, талаба-ёшларнинг ижод қилишлари, адабиёт оламига саёҳат уюштиришлари учун барча шароитлар яратилди. ТТА расмий веб-сайтида ташкил этилган “Зулфияхоним ижодини ўрганамиз” саҳифасида Зулфия ҳаёти ва ижоди бўйича материаллар, талабалар томонидан шоира ижодига бағишлаб тайёрланган ижодий ишлар (тақдимотлар, расмлар, шеърлар, иншо ва мақолалар), ўтказилган танловлар бўйича маълумотлар қўйиб борилмоқда.

Энг чиройли гуллардан ажойиб гулдаста тайёрлангани каби Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним табиатида мужассамлашган ўзбек аёлининг барча гўзал фазилатлари, аёллик латофати, садоқати талаба қизларимиз учун катта ибрат мактаби бўлмоғи лозим. Зулфияхоним ўз замонининг забардаст шоираси ва жамоат арбоби бўлибгина қолмай, Ўзбекистоннинг жарангдор овози мисли янграганлиги, шоира ижодида ўзбек аёллари, қизларининг бахт ва ташвишлари баралла куйланганлиги, унинг шеърларининг ҳар бир сатрида аёллик нафосати уфуриб туриши билан шоира ижодида ўзбек аёлининг тақдири катта ўрин эгаллаганлиги, шоиранинг қайноқ ижод дунёсига қонида адабиётга ҳавас оқаётган ҳар бир талаба қизни жалб этмай қолмайди. Зулфия шеърляти табиатга ҳамда инсониятга бўлган жўшқин севги ва меҳр билан бурканган. Мисраларида табиатни оч рангларда, ёрқин бўёқ ва тимсолларда тасвирлайди. Олижаноблик, жасорат, халқ ғурури, самимий туйғулар, зангори ранглар, кутилмаган янги тимсоллар билан йўғрилган лирикаси, китобхон қалбига ажиб ҳаловат бахш этади, инсоннинг эзгуликка, покликка бўлган ишончига ишонч қўшади. Покиза қалб соҳибаси бўлмиш Зулфияхоним томонидан битилган ўлмас асарлар барчанинг қалбида мангу яшайди.

**Машҳура ХАСАНОВА,**

**Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи**



**COVID-19: ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА**

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти COVID-19 туфайли октябрь-ноябрь ойлари ўлим ҳолатлари кўпайишини таъкидламоқда.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Европада коронавирус туфайли октябрь-ноябрь ойларида ўлим ҳолатлари кўпаяди, деб маълум қилди Франс-Пресс агентлиги ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханса Клюге берган маълумотга асосланиб.

«Вазият кескинлашади. Октябрь-ноябрь ойларида ўлим ҳолатлари кўпайганини кузатамиз», – деган Клюге. Агентлик берган хабарда таъкидланишича, ўлимларнинг кўпайишига Европада пандемиянинг янги тўлқини сабаб бўлади.

Бу ЖССТ мутахассисларининг келгуси ойларга берган башорати, холос. Аммо ҳозир сайёрамизда пандемия билан боғлиқ вазият қандай? Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган маълумотларга қараганда, дунё бўйича коронавирус билан боғлиқ юзага келган ҳозирги вазият яхши эмас. Аниқроғи,

вазият яна кескинлашмоқда. Масалан, ЖССТ сўнгги кунларда касалликнинг рекорд даражада қайд этилаётганини маълум қилди.

Аввал хавотир билан тилга олинаётган иккинчи тўлқин ҳақиқатга айланыпти. Масалан, Австрия билан Чехия иккинчи тўлқин ҳақида аллақачон бонг уришни бошлади. Исроил дунёда биринчилардан бўлиб қаттиқ карантин чораларига қайтганини маълум қилди, мамлакатда фақат ҳаётий зарур бўлган ишлаб чиқариш объектларидан ташқари барча корхоналар ёпилди, сайр қилиш ҳам чекланди.

Ҳозирча бошқа мамлакатлар раҳбарлари қайтадан карантин чораларини қўлламасликка ҳаракат қилмоқда. БМТ экспертлари халқаро ҳамжамиятни эпидемияга қарши самарали кураш олиб бориш учун тизимли равишда ишларни қайта кўриб чиқишга чақирмоқда.

Айни пайтда дунё пандемиянинг иккинчи тўлқини келаётгани ҳақида гапира бошлади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти бош котиби Хосе Анхел Гуррианинг таъкидлашича, агар иккинчи тўлқин келса дунё ЯИМда йўқотиш 7,5 фоизга етади.

Дарвоқе, ушбу статистика қанчалик қўнғилни хира қилмасин, кўп мамлакатлар иккинчи тўлқин ҳали келмаганига ва эҳтимол умуман, келмаслигига умид билдирмоқда.

«Биз ҳеч қандай иккинчи тўлқин бўлмаслигига умид қиламиз. Иккинчи тўлқин атрофида жуда кўп миш-мишлар ва фаразлар айланмоқда», – деди Рособрнадзор раҳбари Анзор Музаев журналистлар билан учрашувда.

Аммо, Австрия ва Чехия ҳукумати мамлакатга иккинчи тўлқин келганини расман эълон қилди.

Эрон Президенти Ҳасан Руҳонийнинг маълум қилишича, коронавирус тарқалишининг иккинчи тўлқини мамлакатга июннинг ўрталарида келган эди.

Шундай бир шароитда миллий иқтисодиётни ёпиш керакми, аҳолини қаттиқ карантинга қайтариш шартми, деган савол ўртага чиқмоқда. Қолаверса, кўпгина мамлакатларда ҳали ҳам биринчи тўлқинда жорий қилинган чеклов чоралари

ҳали давом этмоқда. Нима бўлганда ҳам, кузатиш мумкинки, қатор давлатларда чекловлар яна қайта жорий этилмоқда.

Кескин чеклов чораларига дунёда биринчи бўлиб Исроил қайтганини маълум қилди. 18 сентябрдан бошлаб мактаблар, кафе ва ресторанлар, ҳаётий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган объектлардан ташқари барча корхоналар уч ҳафтага ёпилиши эълон қилинди. Аҳоли уйини 500 метрдан узоққа тарк эта олмайди. Уйдан чиқиш ҳам фақат спорт билан шуғулланиш учун рухсат этилади. Бир хонада ўн кишидан ортиқ тўпланиш мумкин эмас.

Исроил ҳукумати бундай қарорга келиши осон бўлмади. Карантин жорий қилиш масаласини муҳокама қилиш бўйича ҳукумат мажлиси нақ етти соатга чўзилди.

«Ушбу қадам барчамиз учун оғриқли», – деди Бош вазир Биньямин Нетаньяху. Қолаверса, у карантин чоралари 10 октябрдан кейин яна чўзилиши мумкинлигини ҳам ҳисобдан чиқармади.

### **Хитой Юннан провинциясида ҳарбий ҳолат эълон қилди**

Юннан провинцияси ҳукумати Мянмага чегарадош саккизта округ ва 25 та уездда коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун ҳарбий ҳолат эълон қилди. Бу ҳақда «Пэнпай» газетаси вилоятдаги коронавирусга қарши кураш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарлари маълумотларига асосланиб ёзди.

Ишчи гуруҳнинг ёзишича, «коронавирус тарқалишига қарши кескин курашиш учун тезкор равишда ҳарбий ҳолат жорий қилиш керак».

Карантиннинг ҳам ўзига яраша муаммолари ошкор бўлмоқда. Масалан, пандемия натижасида яққаланиш тартиби ва масофадан таълим олиш Россияда ўқувчиларнинг 80 фоизида руҳий ноқулайлик кузатилган бўлса, 40 фоиз ўқувчида руҳий зўриқиш пайдо бўлган.

Бу шунчаки гап эмас, балки Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар саломатлиги миллий тиббий тадқиқот маркази ўтказган сўров натижаларидир, деб хабар қилди ТАСС агентлиги. Ушбу онлайн сўров Россиянинг 79 та

худудида ўтказилган бўлиб, унда 29 минг 779 нафар мактаб ўқувчиси иштирок этган.

Сўров натижаларига кўра, «83,8 фоиз ўқувчиларда ноқулай руҳий ҳолат қайд этилган. 42,2 фоиз ўқувчида руҳий зўриқиш, 26,8 фоизида бош оғриғи синдроми, 55,8 фоизида уйқу бузилиши қайд этилган. Ҳар беш ўқувчининг бири яккаланиш чидаб бўлмас ҳолат эканини айтган».

Болаларнинг ҳар кунги фойдаланадиган нарсаси асосан смартфон бўлиб қолган. Чунки ўқувчилар айнан ушбу қурулмадан масофадан таълим олишда фойдаланмоқда. Шубҳасиз, буларнинг барчаси болаларнинг соғлиғига зиён келтиради, дейилади хабарда.

Италияда мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига парта етишмаяпти. Европанинг бирорта мамлакатида мактаблар Италиядагидек узоқ муддатга ёпилган эмас. Бу мамлакатда пандемияни жиловлash учун барча ўқув муассасалари февралда ёпилган эди. 14 сентябрда мактаблар очилиши ҳақида маълум қилинганди, лекин кўплаб мактаблар ҳали ҳам очилгани йўқ.

“Frankfurter Allgemeine Zeitung” газетасининг ёзишича, Италияда болаларга бир кишилик парта етишмаяпти, ўқитувчиларнинг коронавирусга қарши тест топшириши эса ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Рим шаҳридаги мактабларда парталарни кўчага ўрнатиш режалаштирилмоқда. Мақсад болалар ижтимоий масофани сақлаган ҳолда дарсда қатнашсин.

Буюк Британияда эса аҳолига кўшнилари ҳақида маълумот етказиш сўралмоқда.

Британиянинг жиноятчилик ва полиция ишлари бўйича вазири Кит Малтхаус фуқаролардан агар кўшни уйда олти нафардан кўп киши тўпланадиган бўлса полицияга қўнғироқ қилишни сўраган.

Британияда коронавирус туфайли «Олти киши қондаси» жорий қилинди. Тартибни бузганларга 100 фунт стерлинг жарима белгиланган.

### **COVID-19га қарши вакцина ҳаммага етадими?**

Ҳиндистоннинг вакцина ишлаб чиқариш бўйича энг йирик компанияси раҳбари Адар Пунавалланинг фикрича COVID-19га қарши қўлланиладиган вакцина танқислиги камида 2024 йилгача чўзилади.

«Сайёрамизда барча вакцина олиши учун тўрт йилдан беш йилгача вақт ўтади», – деди Пунавалла “Financial Times” газетасига берган интервьюсида.

Унинг қўшимча қилишича, барча одамни вакцина билан таъминлаш учун 15 миллиард доза керак бўлади.

### **Вакцина пандемияга яқун ясайдими?**

ЖССТнинг Европадаги ваколатхонасидан маълум қилинишича, коронавирусга қарши ишлаб чиқиладиган вакциналар пандемияга яқун ясамайди. Бундан ташқари, ташкилот вакиллари вакциналар барча гуруҳдаги аҳоли учун бирдек самарали бўлишига ҳам шубҳа билдирмоқда, деб ёзади “Daily Star”.

«Мен ҳар доим вакцина пандемияга яқун ясаши ҳақида эшитиб келяпман, афсуски ундай эмас! Биз ҳатто вакцина барча гуруҳдаги одамларга бирдек фойда беришини ҳам билмаймиз. Пандемиянинг тугаши биз пандемия билан бирга яшашга кўниккан дақиқадан бошланади. Буларнинг барчаси ўзимизга боғлиқ ва умидларимиз ҳам шундан», – дейди ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге.

**Интернет материаллари асосида**

**Саидмурод Рахимов тайёрлади**

Устозни эслаб

**ЎЗИМ ЎРГИЛАЙ СИЗДАН...**

**Улуғ шоир Мақсуд Шайхзода инсонларга баҳо бера туриб шундай ёзган эди:**

**Умрлар бўладики,**

**Тиригида ўликдир.**

**Ўлимлар бўладики,**

**Ўлган одам тирикдир.**

Ҳар сафар Ўткир Ҳожи акамизнинг табаррук хонадонларига кўнғироқ қилиб, сим қоққанимизда хонадон соҳибаси муҳтарама Назирахон Ҳожи онамизнинг бетакрор ширин сўзлари «Ўзим ўргилай Сиздан, ваалейкум ассалом», дея инсонни эркаловчи бир сўзлар билан қарши олишлари кишининг дилини ҳаяжонга солар эди. Бетакрор онлар, бетакрор лаҳзалар худди туш каби ўтди-ю кетди.

Кечагина сафимизда туриб, ўзларининг ана шундай бетакрор ширин сўзлари, олтинга тенг дуолари билан бизни йўқлаб турган Ҳожи онамиз бугун орамизда йўқлар... Уларнинг берган саломимизга алик олишдан аввал, ўзим ўргилай, Сиздан дея эркалаб қўювчи каломлари ҳар он қулоқларимиз остида жарангламоқда...

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Назира опа Гуломова узоқ йиллар Тошкент тиббиёт академияси терапия кафедрасида фаолият юритиб, минглаб шогирдлар етиштирди. Ўнлаб китоблар, юзлаб илмий мақолалар қолдирди. Энг муҳими яхши инсон, яхши мутахассис, яхши раҳбар, яхши педагог сифатида минглаб қалбларда муҳрланиб қолди.

Инсон умрини баъзан капалакнинг қанотига ўхшатадилар. Дарҳақиқат, капалак қанотининг ҳошияларига тикилинг, баайни инсон умрининг йўлларига ўхшайди. Ундаги қора доғларни умрнинг ташвишлари, машаққатли онлари, ёрқин тусларни эса, умр аталмиш неъматнинг энг беғубор, энг жозибали ва бахтли онларига менгзайдилар. Капалак қанотининг силкиниб туриши, баайни

жилва билан оқаетган сувдек умрнинг ўткинчилигини эслатади. Қанотнинг вазни эса, тарих ва кечмиш олдида бир инсон умри ҳеч нарса эмаслигидан дарак бериб туради. Аммо шундай инсонлар борки, ана шу қисқа фурсатдан ниҳоятда унумли фойдаланиб, ўзларидан солиҳ фарзандлар, бой адабий-илмий мерос, яхши таълимотлар ва эзгу амалларни қолдириб кетадилар. Улар махшар кунига қадар бу инсоннинг савоб дафтари очик турганлигидан нусрат нишон бўлиб туради.

Устознинг сўнгги китоби ҳам фикримизнинг мутлақ исботи дейиш мумкин.

Ушбу китобни андозаси бичилганига 5-6 ой бўлди десак муболаға бўлмайди. Лекин сўнгги 3 ой ичида Назирахон Ҳожи онамиз бутун кучлари ва ғайратларини ишга солдилар, ўзлари ҳам тиним билмай ёздилар, ҳаммуаллифларни ҳам тинч қўймадилар. Уч ой деганда китобнинг қўлёзмаси битди, фақат нашриёт ишлари қолган эди. Содда килиб айтсак, Назирахон Ҳожи она ошни дамлаб кетдилар-у, фақат уни сузиб ейиш қолди. Меҳнатнинг маҳсулини кўриш, мевасидан тотиниш Ҳожи онамизга насиб этмади. (Аллоҳ таоло Назирахон Ҳожи онамизни ўз раҳматига олган бўлсин.)

Ҳожи онамизнинг азиз фарзандлари, биз шогирдлари у киши бошлаган хайрли ишни қўлдан келганча охирига етказиб, китобни нашрдан чиқардик. Китобнинг ҳар бир қаторида, ҳар бир сатрида, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, Назирахон Ҳожи онамизнинг кўз нурлари мужассамдир. Бу битилган сатрлар Ҳожи онамизнинг кузатувлари, ўйлари, бир қадар армонли, бир қадар истехзоли, бир қадар табассумли хулосалари... Шу боисдан Сиз китобни шошилмасдан, ўйлаб ўқисангиз ўзингизга тегишли хулосаларга эга бўласиз деган умиддамиз...

Ушбу сатрларни биз – шогирд укалари китобнинг асосига нуқта қўйилгач ва энг аянчлиси муҳтарама Ҳожи онамиз орамиздан кетганларидан сўнг ёзаётимиз. Бу сўнгги сатрлар битилаётган оқшом Назирахон Ҳожи онамиз фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилганларига 3 кун бўлган эди. Шу боис ҳам устоз ушбу китобни ўқиб бўлганингиздан сўнг номлари юқорида зикр этиб ўтилган ўтган қон-қариндошларни, шу қаторда Ўткиржон Ҳожи отамизни ва китоб муаллифи устоз Назирахон Ҳожи онамизни муборак руҳларига атаб дуо

билан эслаб кўясизлар деган умиддамиз. Жамики ўтганларимизнинг руҳлари шод ва охиратлари обод бўлсин!

**Хурмат ва эҳтиром билан Назира Султонованинг шогирдлари**

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**

**Алижон ЗОҲИДИЙ**



## ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўтиб неча йиллар яшайди мудом,  
Жаҳонда улуғ иш ва доно калом.  
Неки бор жаҳонда унитгай башар,  
Фақат кори хайру фақат сўз яшар.  
Фирдавсий

Ҳар йили юртимизда 21 октябрь куни тил байрами сифатида кенг нишонланиши анъанага айланиб қолган. Чунки мамлакатимизда она тилини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг миллий руҳини ошириш, маданият ва санъатни юксак поғоналарга кўтаришдек устувор йўналишдаги вазифаларни бажариш том маънода кундалик ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 21 октябрь куни «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга биноан 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» деб белгиланди. Она тилимиз фидойилари, бутун халқимиз бу хушxabарни катта хурсандчилик билан қарши олди.

Жорий йил 10 апрель куни эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбек тили кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Қонун 2 та моддадан иборат бўлиб, 1-моддага асосан, 21 октябрь Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланди. 2-моддага кўра, қонун расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради. Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 23 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 24 март куни маъқулланган.

Эслатиб ўтамиз, 21 октябрь – «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги [қонуни](#) қабул қилинган кун. 1989 йилда қабул қилинган қонунга асосан, ўзбек тили – Ўзбекистон Республикасида ягона давлат тили сифатида тан олинган.

Мамлакатимиз миллий қадриятларини ҳимоя қилиш ва миллий урф-одатларни асраб-авайлашни мақсад қилган Тошкент тиббиёт академияси маърифат маънавият бўлими, Хотин-қизлар кенгаши томонидан 21 октябрь куни Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йил тўлишига бағишлаб онлайн тарзда “Тил – миллатнинг кўзгуси” деб номланган байрам тадбирини ўтказишни режалаштирди. Тадбирга бир қатор тилшунос олимлар, филолог ҳамда шоирлар ташрифи режалаштирилган.

Тадбирда азиз меҳмонларимиз она тилининг қадри, фасоҳати, бойлиги ва сермаънолигини таъкидлаб ўтишлари кўзда тутилган. Тадбир сўнгида онлайн тарзда талабаларимиз томонидан “Она тилим – олтин хазинам” мавзусидаги деворий газеталар танлови намойиш қилинади.

**Л.АБДУКАДИРОВА,  
ТТА ХҚҚ раиси**

## МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИНГ НАМУНАСИ

**Она тили энг улуғ қадриятдир. Чиндан ҳам она тили қадимий ва бугунги тарихимиз, маданиятимиз, маънавий-маърифий турмуш тарзимиз, адабиёт ва санъатимиз ҳамда келажакимизни акс эттирувчи омил сифатида қимматли.**

Она тилимизни эъзозлаш, асраш ва келажакка етказишда аجدодларимиз чинакам фидойилик кўрсатишгани бежиз эмас. Зеро, улар халқ ва миллат боқийлиги, турли миллий урф-одатлар, ёзма ёдгорликлар, инсоний ақлу идрок ва тафаккур яшовчанлиги бевосита она тили орқали тўла-тўқис намоён бўлишини ўз вақтида чуқур англашган эди. Мутафаккир шоир Алишер Навоий ўз асарлари орқали тилимиз шарафини улуғлади ва тилга эътибор – элга эътибор деган шиор ҳикматни ўртага ташлади. Қолаверса, Хусайн Бойқаро ўз рисоласида: “Алишер Навоий туркий тилнинг ўлган жасадига жон киюрди” дея чексиз эҳтиром билан беҳад юқори баҳо берган эди.

1989 йилнинг 21 октябрида Республикамиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бемисл шижоати ва жасорати билан “Давлат тили ҳақида” ги Қонуннинг қабул қилиниши истиқлол йўлида қўйилган илк амалий қадамлардан бири бўлди ҳамда ўзбек тили давлат тили бўлиши лозимлигини асослаб берди.

Дунё ҳамжамиятида ўзининг мустақкам ўрни ва нуфузига эга мустақил мамлакатимиз келажакки буюклигининг кафолати аввало замонавий фан-техниканинг илғор ютуқларини ўзлаштириш, янги таълимот ва ғояларни далиллик билан фанга татбиқ эта олиш иқтидори билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида: “Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда”, дейилган.

Дарҳақиқат, тил – миллий ўзликни намоён қилишнинг юксак намунаси. Миллий тил яшасагина, миллий давлатчилик, маданият ривожланади. Маънавият юксалади. Халқ миллий ўзлигини англайди ва қадрлайди. Ҳар бир миллатнинг тили ўзига хос хусусиятларга эга, бири иккинчисига ўхшамайди. Миллий тилнинг бу ўзига хослиги халқнинг ўтмиши, турмуш тарзи, маънавий ва маданий илдизлари, қадриятлари ва урф-одатларига асосланган ҳолда шаклланади.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомини берган Қонун қабул қилинганига ўттиз бир йил бўлди. Албатта, бу тарих учун жуда қисқа фурсат. Аммо шу қисқа вақт ичида она тилимизнинг софлигини сақлаш, мавқеини юксалтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ўзбек тили эркин қўлланмайдиган бирорта соҳа йўқ. Ўзбек тили ўзининг кенг имкониятини халқаро муносабатларда, энг мураккаб фан соҳаларида тўлиқ намоён қилмоқда. Бугунги кунда давлат аҳамиятига молик йирик учрашувлар, халқаро анжуманлар, тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларида ўзбек тили фаол қўлланилмоқда. Она тилимизнинг илғор ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий илм-фаннинг барча йўналишлари, иқтисодиёт, тиббиёт, банк-молия тизимида кенг ишлатилаётгани унинг имкониятлари нечоғли юқори эканидан далолатдир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, барча ташкилот ва муассасаларда иш юритиш ўзбек тилида олиб борилаётгани она тилимизнинг тикланган, юксалган мақомининг амалдаги ифодасидир. Ўзбек тили шу кунларда ҳаётимизнинг маъно-мазмунни, халқимизнинг эзгу интилишлари, беғубор орзулари, ёруғ мақсад-муддаолари, истиқболи билан ҳамоҳанг, десак янглишмаймиз.

Ўтган давр мобайнида қўлга киритилган яна бир улкан ютуғимиз – жамиятимиз барча аъзоларининг тилга эътибор – элга эътибор эканини теран англай бошлаганидир. Тилнинг ривожини таъминлаш, аввало, жамиятда шундай тушунчаларнинг барқарорлигига, тил эгаларининг бебаҳо бойликка ҳурмат-эҳтиромига боғлиқ. Ўзбек тили таълими мазмунининг тубдан ислоҳ қилингани, шунга мувофиқ янги дарсликлар яратилгани, уларнинг нашрдан-нашрга

тўлдирилган ва такомиллаштирилган ҳолда чоп этилаётгани ёш авлоднинг тил тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. “Давлат тили ҳақидаги”ги Қонун ижросини таъминлашга қаратилган Давлат дастури асосида яратилган 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда тилимиз сўз бойлигининг бугунги ҳолати ҳолис ва аниқ акс эттирилган.

Ёш авлодда она тилига ҳурмат ва ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, уларда гўзал сўз сезгисини тарбиялаш ғоят муҳим ва ўта масъулиятли вазифадир. Бу фарзандларимизда миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаш қарор топтиришнинг асосий омилларидан биридир. Тошкент тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчилари ўзбек тилини ривожлантириш, уни асраб-авайлаш, моҳиятини тарғиб этишдек масъулиятли жараёнга ўзининг фаол ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўқув ва меҳнат жамоаларидаги учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатларида тилимиз тараққиёти бобидаги фикр-мулоҳазалари билан иштирок этмоқда. Академия талабалар жамоаси ҳам мамлакатимиз таълим масканларида ўтказилаётган турли хил тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда.

Яқинда “Адиблар хиёбони”да уюштирилган “Зулфияхоним ҳаёти ва ижоди”га бағишлаб ўтказилган тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари фаол иштирок этишди. Тадбирда талабалар ўзларининг Зулфияхоним ижодидан ёдлаган шеърларини айтиб беришди ҳамда бу орқали ўзбек тилининг жозибаси, гўзаллиги, бойлиги ва бетакрорлигини яна бир бор исботладилар.

**Акмал АСЛОНОВ,**

**Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси**

**катта ўқитувчиси, ф.ф.н.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА COVID-19ГА ҚАРШИ ВАКЦИНАЛАР КЛИНИК СИНОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ



**Ўзбекистонда Хитой компанияларидан COVID-19га қарши вакциналар клиник синовларининг учинчи босқичини биргаликда амалга ошириш бўйича таклифлар олинди.**

Бугунги кунда дунё бўйича коронавирус инфекциясига қарши вакцинани ишлаб чиқиш бўйича фаол ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ҳозир жаҳонда 25 та вакцина клиник, 139 таси эса клиникагача бўлган синовда бўлиб, дунё бўйича Буюк Британия, АҚШ, Германия, Хитой, Россия каби давлатларда ишлаб чиқарилган 9 та вакцинанинг охири (учинчи) босқич синовлари ўтказилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими тақдим қилган маълумотларга кўра, Хитой Халқ Республикаси компанияларидан вакциналар клиник синовларининг учинчи босқичини Ўзбекистонда биргаликда амалга ошириш бўйича таклифлар олинди. Шу жумладан, юртимизда Хитойнинг “Sinopharm” компаниясининг ваколатли корхонаси (“Yilin International Commerce” МЧЖ) билан, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Zhifei Longcom” компанияси билан келишувлар имзоланди. Бундан ташқари, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилаётган “Спутник-V” вакцинасининг 5 минг

дозасини Ўзбекистон Республикасига ажратиш юзасидан Россиянинг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасига мурожаат қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “COVAX” (коронавирусга қарши вакциналаш) халқаро механизмига қўшилган. Агар вакцина муваффақиятли ишлаб чиқилган бўлса, “COVAX” механизмида иштирок этадиган мамлакатлар аҳолисининг йигирма фоизини эмлаш учун етарли вакцина таъминотиغا кафолатланган дастлабки кириш имкониятдан фойдаланилади. Шунингдек, ушбу дастурнинг асосий мақсади — янги вакциналарни яратиш ва синовдан ўтказиш бўйича илмий тадқиқотлар ҳамда уларни оммавий ишлаб чиқаришга тайёргарликни қўллаб-қувватлашдир.

Яна бир муҳим масала — вакциналарни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Мазкур масала ҳам олимларимиз ва фармацевтика соҳаси ишлаб чиқарувчилари томонидан кўриб чиқилмоқда. Бу ҳолатда вакциналар импортга боғлиқ бўлмайди. Уларни экспорт қилиш орқали қўшни давлатларга ҳам ёрдам бериш имкони яратилади. Бу ўз навбатида, минтақада “COVID-19”га нисбатан эпидемиологик барқарорликка эришиш жараёнини таъминлайди.

ЎЗА

## ТАЪЗИМ СИЗГА УСТОЗЛАР

**Устоз, бу шундай инсонки унинг машаққатли меҳнати, унинг билим нурисиз ҳеч қайси инсон ўзи хоҳлаган касб эгаси бўлиб қолмайди. Негаки ҳар бир касб, ҳунар, қўйингки ҳар бир соҳада уни билган унга меҳрини берган мураббийлар бор!**

Инсон бирор касб ёки ҳунарни эгаллашга ҳаракат қилар экан албатта у устоз ёрдамига муҳтождир. Акс ҳолда ўша билимни эгаллаш унга ҳеч қачон осон кечмайди. Ўрганганларида тартиб, аниқлик ва мазмун бўлмайди. Уни ўрганиш учун ҳар мақомга, ҳар томонга югуришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам халқимизда устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар деган нақл бор.

Устозларимиз ўгити, кексаларимиз панд-насихатларига амал қилиб борсак, асло кам бўлмаймиз. Бу билан устоз ва мураббийларимиз олдидаги илк бурчимизни адо этган бўламиз. Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилятлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Таълимда изчиллик билан олиб борлаётган ислоҳотлар уни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, янги, янада юқори поғонага олиб чиқиш билан бевосита боғлиқдир. Бу масъулиятли жараёнда эса ўқитувчиларнинг касб малака ва маҳорати, билимини ошириш ғоят катта аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимининг барча бўғинларида олиб борилаётган ислоҳотларда мактабгача, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизими педагог кадрларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, касбий маҳоратини янада оширишдек долзарб масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Шундай экан бу эътиборни барчамиз чуқур, қалбан ҳис қилган ҳолда фарзандларимиз таълими, билим олишига эътиборда бўлишимиз даркор. Бу билимни бергувчи мураббий меҳнати қанчалик машаққатли ва қутлуғ эканлиги



қадрлашимиз лозим. Шунда фарзандларимиз келгусида ўша билимларидан фойдаланиб, содда қилиб айтганда ундан барака топиб, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлади.

**Б.РУЗИЕВ**

## ФИДОЙИ ШИФОКОРЛАР - ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ



**Коронавирус пандемияси аҳоли саломатлиги бебаҳо бойлик эканлигини дунё аҳлининг яна бир бор ёдига солди.**

Тождор вируснинг оддий касаллик эмаслигини юртдошларимиз ҳам тушуниб етди. Мамлакатимизда вирусни жиловлаш борасида таъсирчан чоралар кўрилиб, инфекциядан тузалиб, шифо топганларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Бугун туну кун вирус билан курашаётган шифокорларнинг меҳнатини барчамиз кўриб турибмиз. Айти пайтда ўз қасамёдига содиқ қолган ҳолда касаллик ўчоғида туриб, меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг ҳар бир куни қаҳрамонлик, ҳақиқий фидойилик намунаси дир.

Шифокорлар бугун кўринмас ёв билан жангнинг энг олди каторида мардонавор курашмоқда. Улар халқ саломатлиги йўлида бор куч ва меҳнатларини сафарбар қилиб, чинакам қаҳрамонлик билан беморлар дардига малҳам бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда”.

Шу ўринда ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, касалликка қарши курашаётган фидойи шифокорларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак, арзийди.

“Адолат” СДП ўз электорати бўлган тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятида энгиллик яратиш, муносибларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Жумладан, ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимлар хизматини оз бўлса-да рағбатлантириш, уларга миннатдорчилик билдириш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ташаббуси ташкил этилган “Шифокорлар – замонамиз қаҳрамонлари” деб номланган маънавий – маърифий тадбир доирасида 98-Янгийўл сайлов округидан сайланган Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Дилрабо Халбаева, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Умид Шоумаров, Зангиота тумани Кенгаши депутатлари Нигора Халхўжаева, Дилором Мирзобоева, Севара Махмудовалар Зангиота туманидаги коронавирус пандемиясини даволашга ихтисослашган 2-сон махсус шифохонасига ташриф буюрди.

Касбий бурчини чуқур англаган, эл-юрт ва Ватан тақдирига дахлдорлигини ҳис қилган 50 нафар тиббиёт ходимиغا партия томонидан эсталик совғалари ва ташаккурнома топширилди.

**Фотима САТТАРОВА,**  
**Ўзбекистон “Адолат” СДП**  
**Тошкент вилояти Кенгаши матбуот котиби**

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАМШИРАЛАРНИНГ РОЛИ

**Мамлакатимизда малакали ва сифатли кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатида устувор масала бўлиб, бунда олий таълим, хусусан олий маълумотли ҳамшираларнинг алоҳида ва салмоқли ўрни бор. Олий маълумотли ҳамшираларнинг сифат кўрсаткичлари республикамизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш салоҳиятини юксалтириш билан ҳам боғлиқ.**

Хўш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамширалар фаолиятида қандай олиб борилмоғи лозим? Одатда соғлом турмуш тарзи белгиланган меъёрларни талаб қилиши нуктаи назаридан, бўлажак ҳамшира кадрлар соғлом турмуш тарзининг барча жиҳатларига доир амалий кўникмаларни шакллантира олиши мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ҳамширалар олиб борган тарғибот сифати янгиликлар билан тўлдирилганлиги билан характерланади, яъни илгаридан мавжуд тарғибот технологиялар билан соғлом турмуш тарзининг назарий ва амалий хусусиятларини тушунтириб бўлмайди. Айтмоқчимизки, айрим тарғибот технологияларнинг доимий такрорланиб туриши соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хос билимларни бойитиб бормади, бунда ҳамширалардан тарғибот технологияларини аҳолининг ёши, касби, ҳаёт тарзи моҳиятига қараб ўзгартириши талаб қилинади. Ҳамшираларнинг инновацион тарғибот усулларида фойдаланиши изланувчанлиги ва касбий маҳоратининг орگانлигидан далолат бериши шубҳасиз. Ҳар биримиз нафақат соғлом турмуш тарзини шакллантиришда янги тарғибот технологияларни ишлаб чиқиши, балки ҳамширалар таҳсили давомида барча фан машғулотларига соғлом турмуш тарзи моҳиятини тушунтиришга доир технологияларни татбиқ этишни янада такомиллаштиришни давр тақозо қилаётганлигини, замон шиддат билан ўзгариб бораётганида эскирган услублар билан дарс сифати ва ёшларимиз тафаккурини бойитиб бўлмаслигини тушунишимиз зарурлиги айни ҳақиқат.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳамширалар фаолиятининг аҳамияти ҳақида фикр юритар эканмиз, бу фаолиятнинг касбий нуктаи назаридан

ташқари ўзига хос фуқаровий, маданиятли шахс аспектиларини ҳам ўрганиш ҳозирги даврнинг долзарб илмий-амалий мавзуси эканлигини таъкидламоқчимиз. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳамшираларнинг роли фақатгина белгиланган (керакли билим ва тажрибаларга бой) тартибдаги касбий тарғибот деб тушунилмай, балки ўзига хос маънавийликни ҳам талаб этувчи жараён ҳисобланади. Мақоламиз контекстида фаолиятига ўзимизнинг қуйидаги таърифимизни бермоқчимиз: **Ҳамширалик фаолияти** бу – инсондан юксак билим ва тажриба маданиятини талаб этадиган, кундалик ҳаётда касбий маҳоратни юксалтириш баробарида фуқаролик бурч ҳам масъулият тизимини англатадиган ижтимоий жараёндир. Ҳамширалик фаолиятини ҳаётга кенг татбиқ этиш масаласида жаҳон тажрибаларни ўрганиш, бу борадаги халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини чуқур англаш, ижтимоий-маданий жиҳатларига эътибор қаратиш, бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар аҳамияти ҳақидаги билим ва тажрибаларни тўплаш муҳим деб ҳисоблаймиз.

**Нилуфар НИЁЗОВА,**

**Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, ф.ф.н.**

**Наргиза ТОШПЎЛОТОВА,**

**Даволаш факультети 3-курс талабаси**

***Таъзия***

***Тошкент тиббиёт академияси, ректорати ва қасаба уюшмаси  
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори Норқулов  
Сухроб Дўстмуродовичнинг волидаи муҳтарамаси***

***ФАЗИЛАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.***